

ЖАДИД МАКТАБЛАРИДАГИ ЖАРАЁНЛАР ВА ДАРСЛИКЛАР

Самандарова Сайёра, Урганч инновацион университети
доценти, филология фанлари номзоди

PROCESSES AND TEXTBOOKS IN JADID SCHOOLS

Samandarova Sayyora, Associate Professor of the Department of
Social and Humanities and Languages, Candidate of Philosophy,
Urganch Innovation University

ПРОЦЕССЫ И УЧЕБНИКИ В ДЖАДИДСКИХ ШКОЛАХ

Самандарова Сайёра, доцент Ургенчского инновационного
университета, кандидат филологических наук

Аннотация: Ушбу мақолада Хоразм жади́д мактабларидаги жараёнлар таҳлил этилган. Шунингдек, мактабдаги дарсликлар, уларнинг муаллифлари, педагогларнинг услублари ҳам тадқиқ қилинади.

Калим сўзлар: жади́д, мактаб, таълим, педагогика, ўқувчи, дарслик, Қрим, Қозон, Хоразм, Хива, Гурлан.

Abstract: This article analyzes the processes in Khorezm Jadid schools. Also, textbooks in schools, their authors, and teachers' methods are studied.

Keywords: jadid, school, education, pedagogy, student, textbook, Crimea, Kazan, Khorezm, Khiva, Gurlan.

Аннотация: В статье анализируются процессы в новых школах Хорезма. Изучаются также школьные учебники, их авторы, методика педагогов.

Ключевые слова: джадид, школа, образование, педагогика, ученик, учебник, Крым, Казань, Хорезм, Хива, Гурлан.

КИРИШ. Қримлик Исмоил Гаспрали томонидан таълим тизимидаги янгича услуб, ўз даврида “усули савтия”, ёки “жадид мактаби” номлари билан аталган. 1884 йилда бошланган ушбу таълимдаги янгилик қисқа вақт ичида Россия империяси асорати остидаги туркий мусулмон халқлар орасида амалиётга жорий этилди. Гарчи бу вақтда жади́д мактабларига рақобатчи бўлган эски (анъанавий) мактаб, рус-тузем, гимназиялар ҳам фаолият кўрсатса-да, Гаспралининг янги услубдаги ўқитиш тизими халқ, зиёлилар томонидан эътироф этилди. Натижада ушбу мактабларда фақат Исмоил Гаспрали яратган дарсликларгина эмас, ҳар бир ҳудуднинг мохир педагоглари ёзган дарсликлар

ҳам ўқитила бошланди. Мазкур мақолада жади́д мактабларидаги таълим жараёнлари, яратилган дарсликлар ҳақида сўз юритилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОД. Мазкур мавзунинг ёритишда Исмоил Гаспралининг асарлари, қримлик журналист Зера Бекированинг маълумотлари, профессор Бегали Қосимов, Зайнобиддин Абдурашидов, Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад монографияларидан фойдаланилди. Ушбу манбаларни бир-бирига таққослаган ҳолда, қолаверса тарихий жараёнлардан келиб чиқиб ҳаққоний, холис хулосаларга келинди.

МУҲОКАМА. Тадқиқотчи Зера Бекированинг изланишларига кўра “Қримда



<https://orcid.org/0009-0000-2632-5338>

e-mail:

sayyorasamandarova68@mail.com

биринчи янги усул мактаби 1884 йил январь ойида Боғчасаройдаги “Қайтаз оға” маҳалласида очилди. Дастлабки ўқувчилар сони 12 нафар бўлган бўлса, кейинчалик уларнинг сони 30 нафарга етди. Қримда бошланган ҳаракат Турк дунёсига тарқалди. Табиийки, Россия империяси мустамлакаси давридаги тазйиқлар, тўсиқлар, қолаверса айрим анъанавий қолипдан чиқиб билмайдиган, янгиликка қарши бўлган жаҳолатпарастлар қаршилиги билан жади́длар ҳаракати қийинчиликлар остида кечди. Аммо Гаспрали ёққан миллий уйғониш чироғи туркий халқларнинг ойдин зиёлилари қалбида машъалага айланди. Натижада Исмоил Гаспралининг ғоялари ҳар бир ҳудудда ўз йўлбошчиларини етиштириб чиқарди. Буларга мисол сифатида Туркистон диёридан Бехбудий, Авлоний, Ибрат, Фитрат, Шақурий, Чўлпон ва бошқа юзлаб жади́дларни мамнуният билан айтиш мумкин” [1].

Ўз даври учун ислоҳот, тараққийпарварлик намунаси бўлган мазкур мактабларнинг тез орада нафақат зиёлилар, балки оддий халқ томонидан ҳам эътироф этилиши, фарзандларини айнан жади́д таълим даргоҳларига беришининг сабаблари қисқа вақт ичида саводхонликни, зеҳниятни оширишга қаратилган услубда билим берилишида эди.

Аҳад Андижоний ёзганидек, “Таълим-тарбия ишларида арабча ўрнига туркчанинг қўлланилиши, диний билимлар билан бирга математика, тарих, жуғрофия каби дунёвий фанларнинг мактабларда ўқитилиши омма ўртасидаги тушунчанинг ўзгаришига, сиёсий онгнинг ўсишига олиб борди.

Шунинг учун ҳам жади́д, жади́дизм сўзлари Русия мусулмонлари ўртасида ижтимоий реформаларни, халқнинг талабларини англаган атамаларга айланди”[2].

Эътиборли жиҳати шундаки, Хоразмда жади́д мактабларини ташкил этиш, ушбу мактабларга Қозон, Оренбург, Тошкент шаҳарларидан ўқитувчиларни таклиф қилиш, ҳаттоки “Таржимон” газетасига обуна бўлиш сингари эзгу ишларга бевосита ҳукмдор Ферузхон, сўнгра Асфандиёрхонлар хайрихоҳлик билан қарашган.

Натижада “Таржимон” газетасидаги маълумотларга кўра, дастлаб 1898 йилда Хивада, сўнгра эса Янги Урганч шаҳарларида,

кейинчалик Гурлан, Хонқа, Тошҳовуз, Қўнғирот, Хўжайли ҳудудларида ҳам жади́д мактаблари ташкил этилади. Табиийки, тезда мазкур мактаблар сонининг орта бориши халқ орасидаги талаб туфайли бўлиб, болаларнинг саводхонлиги, зеҳнияти ошиши педагогларнинг маҳорати, мулкдор бойларнинг мурувватлиги туфайли ҳам эди.

Негаки, Ферузхон (1864-1910)нинг хайрихоҳлиги боис, валиахд Асфандиёр, бош вазир Ислохўжа, сарой амалдори Мамат Маҳрам, қозикалон Салимохуннинг фарзандлари Бобоохун, Низомиддинохун, Иноятхун, Имомаддинохун, Худойберганбек Матниёзбек ўғли сингари тараққийпарварлар Хоразмнинг турли ҳудудларида жади́д мактаблари ташкил этиб, маҳоратли педагогларни ишга таклиф этибгина қолмай, ўқиш-ўқитиш ишларини ҳам таҳлил қилиб боришган.

Қолаверса, Ферузхон ҳукмронлигининг сўнгги 10 йили ва Асфандиёрхон ҳокимиятдалигининг 3 йиллик даврида, яъни 1900-1913 йилларда хонликка бош вазирлик қилган Сайид Ислохўжа (1872-1913) ҳам жади́дларнинг раҳнамоси даражасидаги шахсга айланди. “Таржимон” газетасидаги мақолалардан аён бўлишича, Ислохўжа тараққийпарвар бош вазир сифатида Исмоил Гаспралига бир неча бор хат орқали мурожаат қилиб, ғоявий маслаҳатлар олиб турган. Ана шу боис ҳам, яъни бевосита бош вазир Ислохўжанинг тараққийпарвар эканлиги туфайли хонликда жади́дчилик ғоялари назариядан амалиётга айлана бошланади.

Гаспрали фақат мактабга асос солиб, унда ўзи маслакдошлари билан педагогик қилибгина қолмай дарсликлар ҳам яратган буюк педагог эди. Яъни у ислоҳотчилик руҳидаги назарияни амалиёт билан уйғунлаштирганди. Ўқитиш жараёнида болаларнинг ёши, сабоқни қабул қилиш идрокини, бунинг учун яна нималарга эътибор қаратиш кераклигини англаб борди. Натижада 1888 йилда мактаблар учун “Хожаи сибён” (“Болалар муаллими”)ни нашр қилдирди. Дарсликда “усули жади́д”га бўлган эҳтиёжни тушунтирди, “усули қадим”дан фарқида эътиборни қаратди.

Вақт ўтиб жади́д мактаблари очилган ҳар бир ҳудуднинг ўз Гаспраллари етишиб чиқди ва улар томонидан ҳам дарсликлар, қўлланмалар

яратилди. Шу тарзда таълимдаги рақобат майдонига кириб келган ўқитиш тизими қисқа вақт ичида аҳолининг эътибори, эътирофини топди.

“Натижада, жадид мактаблари, жадидчилик ғоялари таъсирида ҳар бир ҳудуднинг худди Гаспсалига ихлос билан қараган, эргашган ўз мураббийлари юзага кела бошлади. Шунингдек, улар томонидан Гаспсалиники сингари дарсликлар ҳам яратила бошланди. Бунга мисол сифатида “Устози аввал”(Саидрасул Азизий, 1901 йил), “Адиби аввал” (Мунавварқори, 1907 йил), “Биринчи муаллим” (Абдулла Авлоний, 1910 йил) каби дарсликларни мисол қилиш мумкин. Биргина Саидрасул Азизийнинг “Устози аввал” дарслигига талаб кўп бўлганидан 1917 йилгача 17 мартаба қайта-қайта нашр этилгани, аҳолида, ўқувчиларда эҳтиёж катта бўлганини кўрсатади.

Шу сингари Бехбудийнинг “ Рисолаи асбоби савод” (1904 йил), “Рисолаи жуғрофияи умроний” (1905 йил), “Рисолаи жуғрофияи Русий” (1905 йил), “Китобат ул-атфол” (1908 йил), “Амалиёти ислом” (1908 йил), “Тарихи ислом” (1909 йил) китоблари, Исҳоқхон Ибротнинг “Луғати ситтати алсина”, “Жомеъ ул-хутут”, Мунаввар Қорининг “Адибус-соний”, “Усули ҳисоб”, “Ҳавойижи диния”, “Тажвид”, “Тарихи қавми турк”, “Тарихи анбиё”, “Тарихи исломия”, “Ўзбекча тил сабоқлиғи” ҳам жадид мактаблари учун энг муҳим дарсликлар эди”[3].

Бундан ташқари Хоразмдаги жадид мактаблари учун Қрим, Қозон, Кавказ ҳудудларидан ҳам дарсликлар, китоблар келтирилган. Хусусан, “Аваз Ўтар камолотга етган бир пайтда сил касалига чалинади ва даволаниш учун Кавказ ва Қримга (1905-1906 йилларда) боради. Аваз Ўтар Бокудалик пайтида озарбайжон жадид мактаблари билан танишади, Тохирзода Собир (1860-1911) сингари шоирлар билан учрашиб дўстлашади ва улар билан кейин ҳам ижодий алоқада бўлади. Шунингдек, Султон Мажид Ғанизода (1886-1937) томонидан ташкил этилган мактаблар фаолияти билан танишади. Сафарали Валибейов (1861-1902)нинг “Ватан тили”, “Усули жадид”, “Лисоний форсий” номли асарларини ва “Ҳазинаи ахбор” номли икки жилдлик комусий луғатини ҳам Хоразмга олиб келади”[4].

Табиийки, янги усул мактаблари сонининг ортиб бориши, уларни дарслик ва бошқа ўқув қўлланмалари билан таъминлаш муаммосини келтириб чиқарди. Шу боис сафарга кетган Аваз Ўтар сингари, шунингдек Бехбудий, Авлоний, Исҳоқхон Ибротларнинг дарсликлари сингари, савдогарлар орқали Истанбул, Қрим, Қозон, Тошкентдан ҳам Хоразмга дарсликлар, қўлланмалар, китоблар келтирилган. Хива жадидлари янги усул мактаблари очиш билан бирга, улар учун дарсликлар яратиш борасида ҳам катта ишларни амалга оширдилар. Хусусан, Бобоохун Салимов, Бекжон Раҳмонлар томонидан “Ўқиш китоби”, “Алифбе” дарсликлари яратилган эди.

Хоразмдаги барча жадид мактабларида маҳаллий тилда ўқиш, ёзиш, арифметика, география, Хиванинг қисқача тарихи, чизмачилик, илоҳиёт фанларидан дарс берилган. Мактаб хоналарининг ички тузилиши эски мактаблардан парта, ёзув тахтаси, географик харита ва ўқитувчи учун стол-стулнинг борлиги билан ажралиб турарди.

Тадқиқотчи Матюсуф Салимовнинг изланишларига кўра, 1908 йилда Муҳаммад ибн Иброҳим Идрисовнинг “Математикадан ҳисоблаш амали” дарслиги, 1910 йилда эса Қозон шаҳрида қуйидаги китоблар нашр этилган ва хонликка келтирилган. “Каримовлар савдо уйи” ҳомийлиги ва нашри чоп этган дарсликлардан жадид мактабларида, хусусан Хоразм мактабларида ҳам сабоқ берилган. Ушбу дарслик, қўлланмалар рўйхати қуйидагича:

1. “Қироати туркия”, биринчи синфлар учун. Зуфар ибн мулло Аҳмад Шокир ал-Қосимий;
2. “Муаххос тарихи ислом”, Ёқуб Момешов;
3. “Тарихи анбиё”, Ш.Ҳамидий;
4. “Тарихи ислом”, Абдуллоҳ Сиддиқий;
5. “Ифтахут-таворих. Ҳабибун-нажжор”, Ибн мулло Муҳаммад Кофий ;
6. “Ҳадикатул асар”, Ш.Ҳамидий;
7. “Тарихи исломи муфасссал”, 1,2,3-қисмлари, Ш.Сулаймоний;
8. “Мустафадул ахбар. Жуз аввал”, Шаҳобиддин ал-Маржоний;
9. “Хулосаи тарихи умумий”, Хорис Файзий;
10. “Илми ҳал”, 1, 2,3-қисм. Муаллим Зуфар ибн мулло Аҳмад Шокир Қосимий;
11. “Илми ҳал”, Мулло Хўжалиддин Ҳасангаев;
12. “Қироати Туркия”, Зуфар Қосимий;
13. “Қироати Туркия”, ўқув китоби. Ш.Ҳамидий;
14. “Таълими қироат ва таҳрири туркий”, Хорис Файзий.
15. “Усули

жуғрофия”, Хорис Файзий асари. 16.“Бидаят жуғрофия”, ибтидоий синфлар учун. 17.“Муаллими ҳисобдан касур”, Тажиддин Иброҳимий. 18.“Ҳисоб муаллими”, Зиё Носрий. 19.“Бадул ҳисоб”, Собиржон мулло Абдулбаия Мумсавий. 20.“Мукаммал ҳисоб”, Умар ибн Абдурахим Давлатёров. Табиийки, бу рўйхатдаги дарслик, қўлланма, китоблар фақат тадқиқотчи М.Салимов томонидан ўз сулоласи архиви бўйича изланишларидан. Ўша давр жадид мактабларида таълим берилган бошқа дарсликлар эса анчани ташкил қилади ва бу борадаги тадқиқотларимиз давом этмоқда. Ушбу ва шу сингари Қрим, Қозон, Тошкент ва бошқа шаҳарларда нашр этилган дарслик, қўлланма ва таълимга оид бошқа китоблар Хоразмда фаолият кўрсатаётган “Таъсисоти хайрия”, “Янги Урганч саводхонлиги жамияти” ташкилотлари маблағлари, бадавлат мулкдорларнинг ҳомийлиги, қолаверса Асфандиёрхон, бош вазир Исломуҳаммаднинг ҳиммати, саховати сабаб Хоразмга олиб келтирилган ва мактабларда ўқитиларди.

Ана шу тарзда Қримдан бошланган янги услубдаги таълим тизими Қозон, Уфа, Боку, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, водий ҳудудларида тезда тарқалгани каби Хоразмда ҳам Ферузхон, бошқа сарой амалдорлари, мулкдорларининг хайрихоҳлиги сабаб кўплаб ташкил этила бошланди. Натижада 1898 йилдан то Хива хонлиги тугатилган 1920 йилгача миллий руҳдаги жадид мактаблари фаолият юритган. Гарчи Хоразм республикасининг илк йиллари, хусусан 1920-21 йилларда ҳам жадид мактаблари воҳанинг турли ҳудудларида ўз фаолиятини давом этдирган бўлса-да, улар навбатма-навбат социалистик мафкура асосидаги совет мактабларига айлантирила бошланди. Дарслик, ўқув қўлланмалари ҳам айнан социалистик, коммунистик руҳият, таълим асосида яратилди.

НАТИЖА. 1898-1920 йиллардаги жадид мактабларидан юзлаб ватан истиқболига хизмат қиладиган истиқболли ёшлар етишиб чиқишди. Жуманиёз Оллақулиев, Марям Султонмуродова, Олимжон Қодирий, Давлат Ризаев, Қурбон Бергин, Ваис Раҳимий сингари бу ёшлар республика (1920-24 йиллар), округ (1925-1938 йиллар) даврида жамиятнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатишди. Улар мактабда олган билимлари, ҳаттоки Марям Султонмуродова,

Олимжон Қодирийлар Германияда таҳсил олишгани боис ўз соҳасининг истиқболли мутахассиси даражасига эришдилар.

ХУЛОСА. Гарчи Хоразмда жадид мактаблари бор-йўғи 22 йил фаолият кўрсатган бўлса-да, таълим соҳасида қилган ислохотлари туфайли юзлаб воҳалик ёшлар жамиятнинг тараққийпарвар кишилари бўлиб етишиб чиқишди. Уларнинг ўз соҳаларига қўшган ҳиссалари, эришган ютуқлари эса Хоразмнинг маълум бир даражада ривожланиши, саноат, тиббиёт, таълим, ишлаб чиқариш соҳаларида ўзгаришлар қилишга ҳам сабабчи бўлди. Жадид педагоглари эса гарчи миллий руҳдаги таълим жараёнлари навбатма-навбат советлаштирила бошланса-да, ўз фаолиятларини давом этдириб, халққа, ватанга, фарзандлар истиқболига хизмат қилишни олий педагогик мақсад билишди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. З.Бекирова. Исмоил Гаспирли ва Хоразм. С.Самандар, У.Бекмуҳаммадларнинг “Хоразм жадид мактаблари” монографиясига ёзилган сўзбоши, Milleniumus print нашриёти, Урганч, 2025 йил, 3-бет.
2. Аҳад Андижоний. Туркистон учун кураш. Тафаккур нашриёти, Тошкент, 2017 йил, 10, 11, 12-бетлар.
3. Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад. Хоразм жадид мактаблари. Milleniumus print нашриёти, Урганч, 2025 йил, 28-бет.
4. Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад. Хоразм жадидчилиги, ислохотлар, таълим ва адабиёт. Milleniumus print нашриёти, Урганч, 2024 йил, 68-бет.
5. Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад. Хоразм жадид намояндалари: ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси. Milleniumus print нашриёти, Урганч, 2024 йил, 220-бет.
6. Умид Бекмуҳаммад, Сайёра Самандар. Бобоохун Салимов – жадид, давлат арбоби ва шоир. Milleniumus print нашриёти, Урганч, 2024 йил, 210-бет.
7. Умид Бекмуҳаммад. Хоразм жадидчилик ҳаракати энциклопедияси. Milleniumus print нашриёти, Урганч, 2024 йил, 320-бет.
8. Умид Бекмуҳаммад, Сайёра Самандар. Хоразм жадидларининг мустамлакачилик давларида қатағон қилиниши. Milleniumus print нашриёти, Урганч, 2025 йил, 230-бет.